

891.4

Н-74



Ўзбекистон Республикаси
Давлат Тест Маркази

Навоий
гулшанига саёҳат
(тест саволлари тўплами)



Тошкент

Г У Л
(ТЕСТ

2/56614

891.4

H-14

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

Н а в о и й

г у л ш а н и г а с а ё ҳ а т


(ТЕСТ САВОЛЛАРИ ТЎПЛАМИ)

41995/2

ТОШКЕНТ – 2002

Ислом Каримов.

Алишер Навоий том маънодаги сўз мулкининг
султониدير. У адабиёт оламида шунчалик улкан



кашфиётлар яратдики, бу кашфиётлар даражасида нафақат туркий халқлар адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам яна битта улуғ зотни санаш душвор.

Унинг ҳар бир мисрасида, ҳар бир жумласида пиҳоятда мураккаб ва гоҳо зиддиятли ҳаётнинг такрорланмас ифодалардаги буюк ҳикматлари мужассам. Уларда ватан ва ватанпарварлик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатлар тараннуми мутлақо янги ва яхши тарзда ифода этилган. Бу ифодалар қисқа ва лўндалиги, ҳаёт ҳақиқатига уйғун ва таъсирчанлиги билан эътиборга молик.

Алишер Навоий буюк мутафаккирдир. Шунинг учун ҳам у ҳаётнинг қайси соҳаси ҳақида сўз очмасин, инсон аклини лол қолдирадиган даражада аниқ, ишончли, энг муҳими, юксак бадииятнинг барча талабларига мукамал шаклда жавоб бера оладиган дурдоналарни яратади.

Алишер Навоий яратган бадиий тимсоллар ҳаётийлиги, юксак инсонпарварлиги, халқчиллиги билан қалбларнинг туб-тубига муҳрланиб қолади.

Фарҳод, Мажнун, Лайли, Ширин, Искандар, Суҳайл, Меҳр, Дилором каби қатор образлар адабиёт аҳлининг ардоғига айланган. Бу қаҳрамонларнинг ҳаёти, бадиий ифодасини кўриб беихтиёр уларга эргашгинг, уларнинг ҳаётига тақлид қилгинг, улуғ ишларга қўл ургинг келади.

Биргина Фарҳодни олайлик:

*Ўқиб ўтмак, ўқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори ...
Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.*

Ана шундай хислатларга эга бўлган Фарҳод айна пайтда юксак инсонпарварлиги, инсониятга меҳр-муҳаббати билан ҳам ажралиб туради. Унинг тилидан айтилган:

*Хунарни асрабон нетгумдур охир,
Олиб тупрокҳаму кетгумдур охир*

мисралари фақат ўқувчи ёшларнинг эмас, балки бутун халқимизнинг ҳам шиорига айланиб кетган.

Аслида Фарҳоднинг тилдан айтилган

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,

Тафаккур бирла билмиш одамизод

деган ҳикмат Алишер Навоийнинг ҳаёт фалсафасидаги эскирмас ҳикматдир.

Алишер Навоий оламдаги энг улуғ зот сифатида Инсонни англайди. Аслида оламнинг яратилиши ҳам ана шу Одам билан боғлиқдир. Инсон эса имон билан мукамалдир:

*Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга иймон эрур ...
Бас ани инсон демак ўлғай раво,
Ким иши иймон била топқай наво ...
Бўлмаса иймон била кетмак иши,
Бир киши йўқким, деса бўлғай киши.*

Мамлакат ободлиги, эл-юрт осойиши Навоий ижодининг ўзак масалаларини ташкил этади. Ҳатто у буюк бир журъат билан ўзи замондош бўлган ҳукмдорларга қўл остидагиларидан доимий бохабарлик мамлакат эҳтиёжи учун ҳам, эл-юрт манфаати учун ҳам беҳад зарурлигини қайта-қайта уқтиради:

*Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.
Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори, бил.
Бокмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қуруғон ўтун.
Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил,
Ғам есанг ул гала мановиъ берур,
Боғ гулу меван нофиъ берур.
Гала тугансау қуриса шажар,
Худ санга қолмас яна нафъу самар.
Истаса, топшурғонини кирдигор,*

Фикр қил ул дамки, жавобинг не бор?

Навоийнинг ақл ва адолат, тинчлик ва ҳамжиҳатлик, меҳнат ва турли касб-корлар ҳақида айтган фикрлари ҳам ҳалигача инсониятнинг ҳаёт йўлини ёруғ бир машъал каби нурлантириб турибди.

Навоийнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир фикри ёшларимизга маънавият, маърифат йўлини кўрсатувчи бир маёқдир. У ҳаётнинг маънавият билан боғлиқ, бироқ яқин-яқингача қоронғу бўлган гўшаларини ўз нурлари билан ёритиб беради. Бу нурга интилиш ва ундан баҳраманд бўлиш эса киши кўнглига файз ва сурур бахш этади.

Буларнинг барчаси Навоий ижодини ўрганиш ҳам маърифий, ҳам тарбиявий жиҳатдан улкан аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб турибди. Демак, бу улуғ зот асарларини мутолаа қилишнинг, уларнинг замирига яширинган улкан ҳаётий ҳамда бадиий ҳақиқатларнинг том маъносига етиб боришнинг турли шакл ва усуллари излашимиз, топишимиз зарур. Ушбу китоб ҳам ана шу йўлдаги уринишлардан биридир. Унда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўрганилиши билан боғлиқ тест саволлари жамланган. Ўйлаймизки, булар ёшларимизнинг Навоий ҳаёти ва ижоди билан янада яқинроқ танишишлари учун бир туртки бўлади.

*Боқижон Тўхлиев,
филология фанлари доктори,
профессор.*

1. Алишер Навоий яшаб, ижод этган даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда қайси салтанат ҳукмдорлик қилар эди?

- A) Аштархонийлар
- B) Шайбонийлар
- C) Темурийлар
- D) Сафавийлар
- E) Бобурийлар

2. Алишер Навоий пойқадами теккан шаҳарлар тўғри қайд этилган жавобни белгиланг.

- A) Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Хўжанд
- B) Ҳирот, Сабзор, Машҳад, Самарқанд, Астробод
- C) Ҳирот, Тафт, Тошкент, Кўкон, Астробод
- D) Ҳирот, Машҳад, Мовароуннаҳр, Марв, Хуросон
- E) Хуросон, Ирок, Мовароуннаҳр, Макка, Машҳад

3. Алишер Навоий яшаб, ижод этган даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинггина эмас, бутун туркий дунёнинг маданий-адабий марказига айланган шаҳар қандай номланади?

- A) Самарқанд
- B) Бухоро
- C) Ҳирот
- D) Машҳад
- E) Андижон

4. Алишер Навоий ижод этган туркий тил ва адабиёт Оврўпо илмида қандай номланади?

- A) Ўзбек тили ва адабиёти
- B) Туркий тил ва адабиёти
- C) Чигатой тили ва адабиёти
- D) Темурийлар тили ва адабиёти
- E) Мовароуннаҳр тили ва адабиёти

5. Алишер Навоий яшаб, ижод этган даврда Хиротда қандай санъатлар ривож топди?

- A) миннатура (тасвирий санъат), хаттотлик, мусиқа
- B) тасвирий санъат, илми нужум, меъморчилик
- C) мусиқа, меъморчилик, кандакорлик
- D) илми нужум, наққошлик, ҳайкалтарошлик
- E) тазкирачилик, мусиқа, ҳайкалтарошлик

6. Навоий билан бир даврда яшаб, ижод этган туркийзабон ижодкорлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- A) Хусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Камолиддин Биноий, Мавлоно Лутфий
- B) Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Заҳириддин Бобур
- C) Камол Турбатий, Паҳлавон Муҳаммад, Фаридиддин Аттор, Абулқосим Фирдавсий
- D) Мавлоно Лутфий, Заҳириддин Бобур, Хусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбоний
- E) Муҳаммад Шайбоний, Абдурахмон Жомий, Камолиддин Биноий, Мавлоно Лутфий

7. Навоий замондошлари бўлган ҳукмдорлар қайси жавобда тўғри қайд этилган?

- A) Абусайд Мирзо, Хусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Шохруҳ Мирзо
- B) Шохруҳ Мирзо, Умаршайх Мирзо, Бадиуззамон Мирзо, Мирзо Улугбек
- C) Султон Хусайн, Шохруҳ Мирзо, Абусайд Мирзо, Муҳаммад Шайбоний
- D) Абулқосим Бобур, Заҳириддин Бобур, Абдуллатиф Мирзо, Абулғози Баҳодирхон
- E) Амир Темури, Искандар Зулқарнайн, Султон Маҳмуд, Султон Муҳаммад

8. Навоийга замондош бўлган машҳур адабиётшунос ва тарихчилар кимлар?

- A) Шарафиддин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Ҳасанхожа Нисорий, Муҳаммадризо Огаҳий
- B) Шермуҳаммад Мунис, Абулқосим Фирдавсий, Зайниддин Восифий, Заҳириддин Бобур
- C) Мирхонд, Хондамир, Шарофиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий
- D) Зайниддин Восифий, Абдурахмон Жомий, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абулғози Баҳодирхон
- E) Заҳириддин Бобур, Абулқосим Бобур, Абулқосим Фирдавсий, Абдурахмон Жомий

9. Алишер Навоий Хусайн Бойқаро саройида қандай вазифаларда ишлаган?

- A) маликуш-шуаро, муҳрдор, вазир
- B) вазир, муҳрдор, ҳоким
- C) муҳрдор, ҳоким, шайхул-ислом
- D) амир, лашкарбоши, ҳоким
- E) ҳоким, лашкарбоши, маликуш-шуаро

10. Алишер Навоий 1500 йилнинг декабрида Хусайн Бойқарони кутиб олишга чиқаётганида тўсатдан мажоли қуриб, оёқда туришга ҳоли қолмайди. Шунда икки эътиборли киши уни қўлтиклаб оладилар. Улар кимлар эди?

- A) Хондамир ва Бадиуззамон Мирзо
- B) Амир Хожа Шаҳобиддин Абдулло ва мавлоно Жамолиддин Қосим
- C) Хожа Абдулло Ансорий ва Муҳаммад Хусайн Мирзо
- D) Мирхонд ва Хондамир
- E) Музаффар Мирзо ва Дарвешали

11. Эски ўзбек алифбосидаги қайси ҳарф орқали шоирлар ҳижрон, айрилиқдан эзилган ошиқ ҳолатини ифодалашган?

- A) сод
- B) син
- C) алиф
- D) жим
- E) дол

12. Алишер Навоий адабий раҳнамолари – салафлари, устозларини: «мўъжазбаёнлик соҳири Ҳинд», «исонафаслик ринди Шероз», «қудси асарлик орифи Жом» деб таърифлайди. Улар қайси жавобда тўғри берилган?

- A) Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Умар Ҳайём
- B) Низомий, Жомий, Ҳофиз Хоразмий
- C) Лутфий, Яссавий, Низомий
- D) Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Жомий
- E) Жомий, Хусайн Бойқаро, Фирдавсий

13. Шайх Санъон (Ибн Саққо) ҳақидаги ҳикоят Навоийнинг қайси асарида берилган?

- A) “Фарҳод ва Ширин”
- B) “Лисонут-тайр”
- C) “Маҳбубул-қулуб”
- D) “Садди Искандарий”
- E) “Муҳокаматул-лугатайн”

14. Қуйидаги сўз (атама)лардан қайси бири мумтоз адабиётимизда маъшуканинг тик, чиройли, адл қаддини таърифлаш учун ишлатилади?

- A) қарағай
- B) санувбар
- C) сумбул
- D) арча
- E) райҳон

15. Мумтоз ғазалиётда «жонбахш, жон ато этиш» маъноларида келтириладиган пайғамбар номини топинг.

- A) Юсуф
- B) Мусо
- C) Исо(Масиҳ)
- D) Сулаймон
- E) Ёқуб

16. Қайси жавобда Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонида қушлар босиб ўтадиган 7 манзил тўғри кўрсатилган?

- A) Риёзат, Манзил, Макон, Ломакон, Фано, Мақом, Ёққлик
- B) Муҳиблик, Муридлик, Ошиқлик, Орифлик, Дарвешлик, Обидлик, Сукут
- C) Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фано
- D) Шариат, Тариқат, Маърифат, Ҳақиқат, Фано, Бақо, Ризо
- E) Сулук, Мартаба, Мурид, Қалб, Фано, Талаб, Кўнгил

17. Навоийнинг фақат мактублардан ташкил топган асарини топинг.

- A) “Ҳайратул-аброр”
- B) “Мажолисун-нафоис”
- C) “Маҳбубул-қулуб”
- D) “Муншаот”
- E) “Вақфия”

18. “Икки вафоли ёр” ҳикояти Алишер Навоийнинг қайси асарида келтирилган?

- A) “Лисонут-тайр”
- B) “Насойимул-муҳаббат”
- C) “Лайли ва Мажнун”

- D) “Ҳайратул-аброр”
- E) “Садди Искандарий”

19. Алишер Навоийнинг болаликдан шеърятга бўлган қизиқишини уйғотган шоир тоғаларининг исмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Муҳаммад Султон, Мир Саид Кобулий
- B) Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибий
- C) Муҳаммад Али Ғарибий, Хожа Исматулло Бухорий
- D) Саййид Ҳасан Ардашер, Дарвеш Али
- E) Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Паҳлавон Муҳаммад

20. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқароларга ҳомийлик қилган ҳукмдорнинг исмини топинг.

- A) Ёдгор Муҳаммад
- B) Амир Темур
- C) Султон Аҳмад
- D) Абулқосим Бобур
- E) Абусаид

21. Фарҳодга хунари ўргатган устозларнинг исмларини кўрсатинг.

- A) Ҳоқон, Меҳинбону, Хисрав
- B) Боний, Моний, Қоран
- C) Баҳром, Шеруя, Мулкоро
- D) Шопур, Шеруя, Мулкоро
- E) Боний, Шопур, Баҳром

22. Тажнис, талмеҳ санъатлари билан зийнатланган куйидаги туюқда зикр қилинган Маҳмуд Ғазнавий ва унинг суйган қули Аёз ҳақидаги ривоят яна қайси асарда учрайди?

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,
Хуш ул кишиким, айш ила ўтгай қишу ёзи.
Тут муғтанам ул ёрни, Бобурки, жаҳонда
Маҳмуд ким эрди, не киши эрди Аёзи?

- A) Хоразмий, “Муҳаббатнома”
- B) Алишер Навоий, “Лисонут-тайр”
- C) Бобур, “Бобурнома”
- D) Ҳайдар Хоразмий, “Тул ва Наврўз”
- E) Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр”

23. Алишер Навоий ва Бобурнинг аруз вазнига бағишланган асарлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- A) “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мухтасар”
- B) “Мезонул-авзон”, “Мубаййин”
- C) “Мажолисун-нафоис”, “Мухтасар”
- D) “Мезонул-авзон”, “Мухтасар”
- E) “Муншаот”, “Бобурнома”

24. Алишер Навоийнинг мутасаввуф шоирлар ҳақидаги тазкирасини кўрсатинг.

- A) “Вақфия”
- B) “Мажолисун-нафоис”
- C) “Насойимул-муҳаббат”
- D) “Маҳбубул-кулуб”
- E) “Назмул-жавоҳир”

25. Алишер Навоий “Мажолисун-нафоис” асарида “...агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонича бор” деб қайси ҳукмдор ҳақида маълумот берган?

- A) Хоразмшоҳ Отсиз
- B) Маҳмуд Ялавоч
- C) Амир Темур
- D) Ҳусайн Бойқаро
- E) Мўмин Мирзо

26. Навоийнинг дастлабки шеърий девонлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- A) “Ғаройибус-сиғар”, “Наводируш-шабоб”
 - B) “Бадоеъул-васат”, “Ғавойидул-кибар”
 - C) “Бадоеъул-бидоя”, “Наводирун-ниҳоя”
 - D) “Назмул-жавоҳир”, “Девони Фоний”
 - E) “Ҳазойинул-маоний”, “Назмул-жавоҳир”
27. Қуйида зикр этилган саналардан “Лисонут-тайр” достони ёзилган йилни топинг.
- A) 901/1495
 - B) 906/1501
 - C) 888/1483
 - D) 903/1498
 - E) 904/1499
28. Лайли ва Мажнун ўрталарида воситачи бўлган образнинг номини топинг.
- A) Навфал
 - B) Зайд
 - C) Сомий
 - D) Ибн Салом
 - E) Чўпон
29. Навоий “Хамса”сининг қайси достонида руҳий кечинма кучли берилган?
- A) “Ҳайратул-аброр”
 - B) “Фарҳод ва Ширин”
 - C) “Садди Искандарий”
 - D) “Лайли ва Мажнун”
 - E) “Сабъаи сайёр”
30. Алишер Навоий ўз асарларида қайси шоирни “шайхул-машойих” деб таърифлайди?
- A) Имом Бухорий
 - B) Адиб Аҳмад Югнакий

- C) Лутфий
- D) Сайфи Саройи
- E) Аҳмад Яссавий

31. Алишер Навоий қайси асарида Адиб Аҳмад Югнакий тўғрисида маълумот берган?

- A) “Лисонут-тайр”
- B) “Насойимул-муҳаббат”
- C) “Маҳбубул-қулуб”
- D) “Мажолисун-нафоис”
- E) “Муҳокаматул-луғатайн”

32. Навоийнинг илк девонини белгиланг.

- A) “Наводирун-ниҳоя”
- B) “Ҳайратул-аброр”
- C) “Ҳазойинул-маоний”
- D) “Ғаройибус-сиғар”
- E) “Бадоеъул-бидоя”

33. “Улким Туркистон мулкининг шайхул-машойихидир. Мақомоти олий ва машхур, каромоти матаволий, на номаҳсур эмиш...” Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” асарида берилган юқоридаги сатрлар билан бошланадиган таъриф қайси шоирга қарата айtilган?

- A) Адиб Аҳмад Югнакий
- B) Хожа Аҳмад Яссавий
- C) Юсуф Ҳамадоний
- D) Хожа Абдуллох Баркий
- E) Саъдий

34. Алишер Навоийнинг “Бадоеъул-васат” девонидан ўрин олган
“Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур”

байти билан бошланувчи назмий топишмоқ муаллифи ва унда яширинган предмет номини топинг.

- A) Огаҳий, танга
- B) Навоий, танга
- C) Навоий, анор
- D) Увайсий, анор
- E) Навоий, парвона

281. “Садди Искандарий” достони қайси баҳрда ёзилган?

- A) мутақориб
- B) рамал
- C) ҳазаж
- D) ражаз
- E) бармоқ

282. Навоийнинг луғатшунослик борасидаги асарини топинг.

- A) “Рисолаи тир андохтан”
- B) “Сабъату абҳур” (“Етти денгиз”)
- C) “Мезонул-авзон”
- D) “Зубдатут-таворих”
- E) “Ҳасби ҳол”

283. “Мурувват – барча бермақдур, емак йўқ.
Футоват – барча қилмақдур, демак йўқ”.

Навоий қаламига мансуб ушбу мисра қайси жанрга хос?

- A) рубоий
- B) ғазал
- C) фард
- D) туюқ
- E) қитъа

284. Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.
Навоийнинг мазкур машҳур байтида қўлланган санъатларни топинг.

- A) тажнис, тарди акс
- B) сифатлаш, тарсеъ
- C) сифатлаш, мувозана
- D) тажнис, зулқофиятайн
- E) ташбеҳ, тарсеъ

285. “Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур”.
Навоийнинг ушбу байт билан бошланувчи машҳур ғазали қофияларидаги равийни топинг.

- A) “н” ҳарфи
- B) “р” ҳарфи
- C) “ш” ҳарфи
- D) “д” ҳарфи
- E) “о” ҳарфи

286. Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго
(Навоий).

Ғазал вазни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) V - - - V - - - V - - -
- B) - V - - - V - - - V - - - V -
- C) V - - V - - V - -
- D) V - - - V - - - V - -
- E) бармоқ, 14 бўғинли туркум

287. Навоий “Мезонул-авзон” асарида “кўшиқ” деб ҳам атаган жанр номи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) маснавий
- B) мувашшаҳ
- C) мустазод
- D) тахмис
- E) қитъа